



Хабар

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

• 1995 йил, 24 февраль № 8 (133)

• Сотувда эркин нархда

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги қошида очилган "Ўзимпексалоқа" ташки савдо фирмаси ўз фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Жамоани кенгайтириш мақсадида лаёқатли мутахассислар таллаб олинди, қилинадиган ишларнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди, бугунги кундаги ва истиқболдаги шериклар аниқланди, мазкур фирмага турдош хорижий фирмаларнинг тижорат ва муҳандис-техник фаолиятидаги ўзига хос томонлар хусусида ахборотлар тўпланди ва иш бошлаб юборилди.

"Ўзимпексалоқа" фирмасида хорижлик ишбилармонлар ўзларига зарур маълумотларни ҳамма вақт топа олади. Бундан ташқари улар вазирлик, концернлар, алоқа корхоналари, шунингдек ҳокимлик ва тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашув ва мулоқотларни ҳам ташкил этишган.

Сўнгги вақтларда фирмада катор шартномалар, жумладан кредитлар очиб шартномаси тузилиб, ишга тушиб кетди.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарорини бажара бориб, Германия кредит идоралари ва Ўзбекистон Республикаси миллий банки, шунингдек "Ўзимпексалоқа" ташки савдо фирмаси ва Наманган электр алоқа давлат корхонаси, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бирлашмаси умумий ҳажми 680 миллион немис маркаси микродола кредит шартномаларини тузишди. Шунинг ҳисобига машҳур "Алкател СЕЛ РТФ" фирмаси мамлакатимизга рақамли станциялар ва радиореле алоқа линиялари учун энг замонавий алоқа асбоб-ускуналар жўнатишни бошлади.

Шунга ўхшаш битимлар Япониянинг "Мицуи" фирмаси билан ҳам тузилиди. Бу битим ҳам ўз самарасини бера бошлади. Замонавий асбоб-ускуналар ва ашёлар Тошкентга келтирилиб, улар асосида телефон тармоқларини мукамаллаштириш ва

ҳажмини ошириш мақсадида янги станцияларда пайвандлаш ишлари олиб борилаётганда, "ДЭУтелеком" Жанубий Корея фирмаси билан имзоланган шартнома ҳам ишга тушиб арафасида турибди.



Тошкент шаҳар телефон тармоғининг "09" маълумот хизматида фойдаланишда бўлган Электрон ҳисоблаш машиналари хотирасига 350 минг абонент ва 17,5 минг корхона ҳамда ташкилотлар тўғрисида маълумотлар киритилган. СУРАТДА: оператор Е. Рожкина ва телефончи А. Н. Ковалева.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

Шу кунларда бу машҳур фирма билан янги битимлар тузилганки, унга кўра, "ДЭУтелеком" фирмаси телефон станциялари ишлаб чикувчи Урганчдаги завод қурилишини тугалашда, Хоразм, Андижон, Тошкент вилоятларида янги АТСлар мажмуини қуриш ва бошқа тadbирларда

юмушга айланди. Замонавий телекоммуникация тизимларининг ривожига эса мамлакатимиз иқтисодининг янада раванак топишига мустахкам замин яратди.

А. КУДИНОВ

ЁРДАМГА МУҲТОЖМИЗ

Тўрткўл шаҳрида янги 90 метрлик телеретранслятор телевидение ва радио дастурларини узатадиган ускуна шаҳарнинг шарқий томонида қад кўтарди. У зарур алоқа асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Тўрткўликлар Тошкент ойнаи жаҳонининг биринчи дастури ҳамда Урганч, Нукус, Ашгабад, "Останкино" телестудияларининг кўрсатувларидан баҳраманд эдилар. Мана икки ой бўлдики, шаҳарнинг айрим даҳаларидаги аҳоли Тошкентнинг биринчи канал орқали берилаётган телестурларини сифатли кўриш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Телеэкрандаги ёзувларни ўқиш ва бошқа студиялар бераётган кўрсатувларни томоша қилишнинг иложи йўқ. Тўрткўл шаҳри аҳолиси ҳам мустақил Ўзбекистонда бўлаётган республика янгиликларидан хабардор бўлишни, ойнаи жаҳон орқали берилаётган кўрсатувларнинг бениқсон бўлишини истайди.

Ойнаи жаҳондаги мавжуд нуқсонлар хусусида турли ташкилотларга оғзаки, ёзма равишда мурожаат қилдик. Афсуски, натижа бўлмапти. Шаҳардаги телекўрсатувлар узатиш маркази раҳбарларига мурожаат қилсангиз, бу иш Урганч ёки Тошкент телемарказларининг айби билан содир бўлмақда, бизнинг кўлимиздан ҳеч нарса келмайди — дейишдан нарига ўтишмайди. Юқоридagi муаммони ҳал этишда тегишли мутасаддиларнинг ёрдамига муҳтожмиз.

Тўрткўлик телетомашбинлар номида:
Абдулла БЕКЖОН,
П-гурух уруш ногирони, меҳнат фахрийси

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар
• Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирел Рамазон ойи муносабати билан эзгу тилак изҳор этилган кутлов йўлланди.

• 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси иш бошлади.

• Тошкентда яна бир янги сийёсий партия — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг таъсис қурултоғи бўлиб ўтди. Унда партиянинг Низоми ва дастури тасдиқланди. Шунингдек, партиянинг ҳафталик "Адолат" газетаси таъсис этилди.

• Германиянинг машҳур "Алкател" фирмаси мутахассислари Намангандаги йирик телефон станцияларидан бирида асбоб-ускуналарни ўрнатишга киришдилар. Белгиланган ишларни бажариш учун 14,5 миллион немис маркаси сарфлаш мўлжалланмоқда.

• Ўзбекистон кинематографчилари уюшмаси сўнгги йилларда яратилган энг яхши асарлар учун танлов эълон қилди.

• Қарши шаҳрида янги автоматлаштирилган телефон

станцияси ишга туширилди. Натижада қаршиликлар олдиндан буюртма бермасдан дунёнинг хоҳлаган нуқтасига кўнғирок қилиш имкониятига эга бўдилар. Бу АТСнинг кўплаб жиҳозлари Германияда тайёрланган бўлиб, ҳозиргача 24 минг миқозга хизмат қилмоқда.

• Исломободда бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашиб, учта "олтин", битта "кумуш" ва иккита "бронза" медалини қўлга киритишди.

• Қозоғистон Республикаси миллий банки минг танга қийматидаги миллий валюта банкнотини муомалага чиқарди.

• Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов маориф, тиббиёт ва маданият ходимларининг анчадан буён тўланмаётган маошларини бериш учун 5 миллион АҚШ доллари ажратди.

• Қирғизистонда "Қирғизистон Республикаси банк хабарлари" журналнинг дастлабки сони босмадан чиқди. Унинг баҳоси тўққиз доллар туради.

• АҚШ Саудия Арабистони билан Яман ўртасидаги чегара баҳсларини тизм музокарадан йўли билан ҳал этилишини қўллаб-қувватлайди, деб ёзади Президент Билл Клинтон Яман Президенти Али Абдулло Салехга йўллаган мактубида.

• Ҳиндистон ҳарбий кемалар қуриш учун зарур ускуналарни Россия Федерациясидан сотиб олмоқчи.

• НАТО раҳбарияти ўтган ҳафтада Босния ва Хорватиядан "Мовий" қалпоқли қўшинларини олиб чиқиб кетишга киришди.

• Жанубий Африка Республикаси Президенти Н. Манделла Махатма Ганди номидаги тинчлик мукофотига сазовор бўлди.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР ЎТКАЗИЛАДИ

Тошкентда Халқаро Электралоқа Иттифоқи ва Алоқа вазирлиги ташаббуси билан алоқа тармоқларини дастурли режалаштириш бўйича бир ойлик халқаро ўқув-семинари ўтказиш мўлжалланмоқда. У Тошкент Электротехника алоқа институтида 27 февралдан 31 мартгача бўлиб ўтади.

Марказий Осиё ва Туркия давлатларидан танлаб олинган вакиллар ўқишга жалб этилган. Бир ойда мўлжалланган семинар маълум бир дастур асосида амалга оширилади. Бундай ўқув жараёнларини ўтказиш келгусида алоқа соҳасининг ривожланишида ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

..Гулбахор келин бўлиб тушган маҳалладаги рўзнамалар дўкони оддидан бефарқ ўтолмасди. Ҳар гал бу дўкондан мутолаа учун газета-журнал ёки бирор қизиқари китоб харид қиларди. Уша пайтларда дўконда ишлаётган рус аёлини энг бахтли инсон деб ҳисобларди. Чунки унинг назарида дўкон сотувчиси барча дунё янгиликларидан хабардор, қизиқарли китобларни биринчилардан бўлиб ўқиб чиқиши мумкин эди. Гулбахор ўзи учун сеvimли бўлган саргузашт-фантастик асарларни мазза қилиб ўқишни оруз қиларди.

Орзуга айб йўқ дейишади. Фаришталар бу эзгу истакка омин дейишган эканми, Гулбахорнинг олдига бир куни маҳаллаларида жойлашган рўзнамалар дўкони сотувчиси келиб, "Қизим, соғлигим бу соҳада ишлашга тўққинлик қилмоқда. Менинг ўрнимда ишлашни хохламайсанми?" деб сўради. Ушанда бу қутилмаган таклифдан Гулбахор ҳам хурсанд бўлди, ҳам ўйланиб қолди. Тўғрида, оиласидагилар, айниқса турмуш ўртоғи бунга рози бўлармикан? Хўжайини ишдан қайтгач, ушбу таклиф ҳақида оғиз очди. Умр йўлдошининг розилигини олгач, эртаси кунiek ишга киришди.

— Мана шунга ҳам икки йил бўлди, — деб эслайди Гулбахор Қаюмова — Гулистон шаҳридаги марказий шохбекат енида жойлашган 2-рўзнамалар дўкони сотувчиси. — Ҳавас қилиш бошқаю, амалда тер тўкиб ишлаш бошқа экан. Бу соҳада ишлаган одам энг аввало хўшмуомала бўлиши зарур. Акс ҳолда мижозлар олдида ўз обрўсини йўқотиб қўяди.

Ҳар куни саҳарлаб Гулбахор Қаюмова шохбекатда жойлашган почта бўлимидан газета-журналларни олиб, дўкон ичидаги пештахтага тартиб билан жойлаштиради. Олдиндан доимий мижозлари ўқийдиган матбуот нашрларини алоҳида ажратиб қўяди. Одатда унинг иш куни ана шундай бошланади.

— Ҳозирги пайтда мижозлар теледастури бор газеталарни харид қилишади, — дейди суҳбатдошим. — "Халқ сўзи", "Ўзбекистон

овози", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз", "Ўзбекистон футбол", "Труд", "Рабочая трибуна" каби нашрларнинг ихлосмандлари кўпчиликини ташкил этади. Россияда нашр этиладиган матбуот нашрларига талаб катта. Режаларни асосан атторлик буюмларини сотиш ҳисобидан уддалайман.

Хўшмуомалалик, тартиб-интизом билан ишлашни одат қилган Гулбахор опанинг саъй-ҳаракатлари туфайли дўконга доимий равишда ташриф буюрадиган харидорлар сони ҳам кўпайди. Ушбу дўконнинг доимий мижозлари — хайдовчи Эштемир Осмонов, тартиб посбони Володя Тактин ҳар куни бу ердан вақтли нашрларни олишади. Улар билан суҳбатлашганимизда Гулбахор опанинг беиминат хизматидан хурсанд эканликлари ни айтишди.

Опанинг фикрича, харидорлар кўпинча ўзбек тилидаги бадий адабиётларни сўраб келишаркан.

— Ўзим ҳам китоб ўқишга қизиқман, — дейди Гулбахор опа, аммо дўконимизга рус тилидаги китоблар келтирилади, уларнинг эса харидорлари жуда кам. Мижозларимизнинг ўзбек тилидаги асарларга бўлган талаби кучли. Шу боис Тошкент шаҳридан ўқиши, қизиқари, оммабол китобларни келтириш ниятимиз бор.

Мақоламиз қаҳрамони Гулбахор опа асли Тошкент шаҳрининг Хаста Имом маҳалласидан Гулистон шаҳрига келин бўлиб тушган. Умр йўлдоши тиббиёт соҳасида хизмат қилади. Суҳбатдошим аёллар оилави ҳаётда ҳам мулоҳазали, ширинсўз, меҳрибон бўлишса, албатта турмушда бахтларини топишади деб ҳисоблайди. Бу фазилатларга ўзи ҳам астойдил риоя қилади. Шунинг учун ҳам турмуш ўртоғи билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, ахилликда ҳаёт кечиришмоқда.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ,
Сирдарё вилояти

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ...

ТЕЛЕФОН КАРТОЧКАЛАРИ

Финляндиядаги фирмалардан бири ўз мижозларига қайтадан тикланган телефон карточкаларидан фойдаланишни таклиф қилди. Унинг баҳоси 1000 финляндия маркаси (200 АҚШ долларидан кўпроқ) туради. Кулайлиги шундаки белгиланган жойларидан фойдаланиб бўлгач, уни яна "қувватлантириш" мумкин.

Фирма ходимларининг қайд этишича, маблағ тўлашда бу янги усулнинг келажаги порлок. Кўп марта қуввати тикланадиган карточка бир марта ишлатиладиган бошқа карточкаларни бекор қилиши мумкин. Бундай карточкалар фақат телефонда сўзлашишдагина эмас, шу билан бирга почта, транспорт хизмати, автомашиналар бекатидан фойдаланишда ҳам асқотади.

• Алоқа матбуот кўзгусида

МУЛОҚОТ ҚИЙИНЛАШМОҚДА

Боқудан Россия шаҳарларига телефон қилиш жуда мушкул бўлиб қолди. Россия телекўрсатувлари дастури ҳам "Санта-Барбара" ишқибозларини ҳаяжонлантириб, узук-юлик намойиш қилинмоқда. Маълум бўлишича, бу ноқулайликларнинг асосий сабаби Чеченистондаги воқеалар билан боғлиқ экан. Озарбайжон алоқа вазирлигининг ахборотига қараганда, республика телекўрсатувлари асосан иккита — Тбилиси ва Дербент тармоғи орқали намойиш этилади. Аммо Грузиядаги энергетика инкирози туфайли Тбилиси тармоғида узиллишлар рўй бермоқда, яқиндан бошлаб эса Чеченистон орқали ўтадиган Дербент тармоғининг ҳам "уни ўчди". Воқеанинг асл сабабларини кўнгирок орқали аниқлаш ҳам қийин: телефон масаласида ҳам "ишлар хуржун".

Алоқа вазирлигининг тушунтиришлари аҳолини қониқтирмайпти. Модими ҳаммасига Чеченистон "айбдор" экан, ҳали-бери ахволнинг ўнгланишига умид қилиш қийин. Почта алоқасида ҳам ахвол бундан яхши эмас.

ТОМОШАГА АРЗИЙДИМИ?

бўлса, яқин орада ижара идораларидан Михалков, Гайдай, Герасимов фильмларини олиб кўришга тўғри келади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мультфильмлар жуда камдан-кам кўрсатиладиган бўлиб қолди. Аллақандай хорижий бўтқалар Чебурашка ва Винни-пухларни сиқиб чиқарди.


Кўнгилочар, ҳазил-мутойбага дахлдор кўрсатувларни ҳам мактаб бўлмади. Мухбирнинг таъкидлашича, дам олиш кунлари диққатга сазовор, яхши кўрсатувлар ҳам намойиш этилган. Булар — поляк режиссери Ежи Гоффанинг ширингина, эски комедияси, расво фильмлар эди. Томошалардан гўе шундай улкан, кудратли мамлакатда ҳеч қачон ўз миллий кино санъати бўлмагандек таассурот тугилади. Ахвол шундай

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мультфильмлар жуда камдан-кам кўрсатиладиган бўлиб қолди. Аллақандай хорижий бўтқалар Чебурашка ва Винни-пухларни сиқиб чиқарди.

Кўнгилочар, ҳазил-мутойбага дахлдор кўрсатувларни ҳам мактаб бўлмади. Мухбирнинг таъкидлашича, дам олиш кунлари диққатга сазовор, яхши кўрсатувлар ҳам намойиш этилган. Булар — поляк режиссери Ежи Гоффанинг ширингина, эски комедияси, расво фильмлар эди. Томошалардан гўе шундай улкан, кудратли мамлакатда ҳеч қачон ўз миллий кино санъати бўлмагандек таассурот тугилади. Ахвол шундай


ЭЪЛОН

Газетамизга малакали машинистка керак.
Мурожаат учун манзилимиз: 700000 Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
Телефонимиз: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.



"Ўздунробита" кўшма корхонаси оператори Алишер Акбаралиев.

• • Сураткаш танқид қилади • •



— Эҳ, бир пул
бўлди
қадримиз...

Суратлар муаллифи
Тўлқин Лутфуллаев

ЛАТИФАЛАР

Бир одам гирт маст холда уйга келиб, оstonада йиқилиб қолади. Кўлига чўлтоқ сургини олган хотини эрини силжитиб, ўдагайлайди:

— Яна ичасанми, тентак? Сенга айтаяпман, яна ичасанми?

Кайфи тарок эри аранг кўзини очиб, шивиради:

— М-майли, юз грамм куй...

Телефон жиринглади:

— Шавкат уйдами?

— Йўқ эди, унга нима деб кўяйлик?

— Унга уч сўм бериб кўйинг.

Хайдовчи дарё бўйида балиқ тутаетган одамнинг галати қилганини кўриб, машинасини тўхтатибди. Балиқчи икки марта қармоғига илинган катта балиқни кўйиб юборди. Учинчи гал эса илинган ўртачароқ балиқни тутиб, челака солди.

— Нега катта балиқларни ташлаб юбордингиз? — хайрон бўлиб сўради хайдовчи.

— Чунки улар қозонига сигмас эди-да.

— Бу мушук терисидан қилинган пўстинингиз мента маъкул, — деди хоним дўкон мудирита, — аммо у ёмгир а айниб қолмасмикин?

— Сиз мушукнинг шамсия тутиб юрганганин хеч кўрганисиз?

Бир одам ресторанга кириб, официантга ўн доллар узатибди:

— Тўғриси айттинг, мента нима маслаҳат берасиз?

— Ботқа ресторанга боришин!

— Суратни бир кунда ишлаб қўяману аммо сотишга келганда бир йилда ҳам сотолмайман, — дея ёш рассом машур ҳаммасбита нолиди.

— Сиз аксинча қилинг, — деди ҳаммасбита, — суратни бир йил ишланг, шунда уни бир кунда сота оласиз.

— Намунча хомуссан? — деб сўради ёзувчининг дўсти.

— Бугун Шекспирни билмайдиган бир одамни учратдим.

— Хўш, нима бўпти?

— Ахир бунақада бир кунмас бир кун мени ҳам унутворишади-ку!

— Демак, сизларнинг сувингизни ичиб бўлмас экан-да?


— Худди шундай?

— Қандай чоралар кўрасизлар?

— Олдин сувни филтрлаб, тозалаймиз, сўнг кайнатиб, химикатлар қўшамиз.

— Кейинчи?

— Кейин... пиво ичамиз.



“Рухимда бир маъюслик”...

ЎЛМАС РУХ

Кейинги ўн йилликлар адабиетида “рух” сўзи қўлланган бир катор асарлар дунёга келди. Шулар орасида ўзимга алоҳида таъсир кўрсатиб, кўнглимда кучли таассурот уйғотган уч асарни тилга олишни истардим. Булар Абдулла Ориповнинг “Рухим” шеъри, Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исени” достони ва Носир Фозилонинг “Яссавий руҳи” хотира-бадиасидир. Хусусан, “Рухим” шеъри шундай хотимланади:

Сен мисли камалак — юксак ва сўлмас,

Камалакни эса, парчалаб бўлмас.

Бу руҳга берилган энг гўзал шоируна таъриф дейиш мумкин. Албатта, минг йиллик адабиётимизда рух ҳақида фикрлар бағоят кўп. Жумладан, Абу Али ибн Сино “Уржуза” (Тиббий дoston) асарига “Жисм аро энг тоза нарса рух аталур” деб ёзган бўлса, шoir айтганидек, “Бир кун демишларки, Навоий бобом: Доим ўзга бўлур суврат ила рух”... Бундай шоируна таърифлар ва

вужудни руҳдан ажратиб, фарқлаб кўрсатишларни қўя туриб, жиддийроқ ўйлаб қарайлик: “Рух” деганлари нима ўзи?

“Рух” сўзи замрдаги маъно-моҳиятини англаб етиш учун даставвал тилимиздаги шу ўзаққа қурилган қатор сўз ва ибораларни бир сидра эсга олиш керак бўлади. Масалан, “руҳсиз” деган пайтимизда биз бу сўзнинг “кўнгли” маъносига қўлланганини кўрсак, “руҳлантриб юборди” бирикмаси “илҳом”, “гайрат”, “шижоат” маъноларини англатади. “Биз Ватанга садокат руҳида тарбияланганимиз” деганда эса, кўрамазки “рух” сўзи “йўналиш”, “маром” маъноларида келади. Шу мисолларданок аёнлашиб турибдики, “рух” тилимиздаги энг пурмаъно ва пурҳикмат сўзлардан биридир. Бугина эмас. Жисм-фанога, жон-бақога даҳлдор бўлганидек, вужуд ўткинчи, рух эса абадийдир. Ҳа, қуеш қораймас, олтин зангламас деганларидек, “рух” юксак ва ўлмас бир қилкатдир.

Рухимизнинг кундалик турмушнинг ўткинчи иқир-чикирларидан ҳалос этиб, юксалтиришга қодир, абадиятга даҳлдор илоҳий сиймолар, азиз-авлиёлар, зоти шарифлар, хуллас, том маънодаги руҳоний шахслар ҳар боб билан хор-зор этилди. Бу йилда энг маккорона усуллар қўлланди, жумладан халқона ибора билан айтганда, “сопи ўзидан чиқарилди”. Ҳатто мавлоно Муқимий ва Фурқатдек сиймоларимиз ҳам аравақашнинг қўшигини айтиб, замонасозлик йўлини тутишга мажбур этилдилар.

Ўтган йили кузда Бўстонликнинг Хондайлик кишлоғида ХХ аср ўзбек адабиётининг энг бақувват сўфий шoirларидан бири — Сидқий Хондайликнинг таваллудининг 110 йиллиғига бағишланган бир адабий анжуман бўлди. Мазкур анжуманда қатнаша туриб, Сидқий Хондайликнинг “Сирожиддин” исмига қўшиб айtilган бир диний рутбаъ-“маҳдум” сўзининг лугавий

маъноси хусусида ўйлаб қолдим. Ва шу асно хулосага келдимки, “руҳоний”, “адиб” ва сиёсий арбоб тушунчалари ўртасида муайян муштараклик йўқ эмас экан. Дейлик, муфти Махмудхўжа Бехбудий, Миннаварқори, Абдулла Қодирий, ўз даврида “Теша қори” сифатида танилган ва “Қалаңдар” тахаллуси билан сўфизна шеърлар битган Абдулҳамид Чўлпон... Яна бу қалам соҳиблари яратган адабий ҳақоратларни санашга тушдим: Юсуфбек хожи, Қалвак махзум, Қори Ишқамба, Солиҳ маҳдум, мулла Абдурахмон, Раззоқ сўфи...

Бу нима, тасодифми ё давр тақозосими? Биргина Юсуфбек ҳожидан ташқари барчалари қора рангга бўяб кўрсатилган. Рухоний зотларимизни ёмонотлик қилиш борасида тоҳо мутлақо қушқонга сигмас усуллар ҳам қўлланди. Масалан, “қори” деган муқаддас тушунча енига “кўр” деган ҳақоратомуз сўз қўйилиб “кўр қори” ибораси яратилди.

Бундан ўттиз-ўттиз беш йил муқаддам — болалик чоғларимда бир ҳол мени қаттиқ ажаблантирар эди. Гўё ҳар бир кишлоқ биттадан жинни етиштириш мажбуриятини олгандек, бизнинг Туркистон атрофидаги ҳар бир кишлоқда биттадан жинни бўлар эди. Янаям ажабланиларис шунда эдики, ўша жинни, “телба”, “эси паст” еки бошқа бирон сўз билан эмас, айнан “девона” деб аталар эди. (Ҳолбуки “девона” халқимизнинг энг улуг зотларга бериладиган унвонларидан биридир. Бу сўзнинг аса маъноси — “Худо назар қилган одам” демакдир). Биз соддадил болакайларни ана шу девонага тош отиб, уни масҳара қилишга ундайдиган айрим катталар ҳам йўқ эмас эди. Энди ўйлаб қарасам, бу халқимиз авайлаб-эъозланган муқаддас тушунчалардан ихлосни қайтариш усулларидан бири экан.

Кейинги бир ярим аср мобайлида бутун жаҳонни жуда кўп ранжу-балоларга гирифтор қилган моддийончилик таълимотининг бош китоби — “Коммунистик партия манифести”, едингизда бўлса, шундай бошланар эди: “Европани бир шарпа оралаб юрибди, бу ҳам бўлса коммунизм шарпасидир”. Бугунги кунда бу шарпа инсониятни нури истикболга олиб чиқувчи куч эмас, аксинча, одам боласини қутилмаган қутқуларга гирифтор этувчи иблис алайҳи лаънанинг шарпаси экани кўпчиликка маълум бўлиб қолди. Бас, шундай экан, энди ҳар қандай шарпалардан узиб-кесил ҳалос бўлиб, азалий ўзлгимизга қайтмоғимиз керак. Бунинг учун аввало ўлмас руҳимизни покламоғимиз, руҳимизни бутламоғимиз, тушкун эмас, кўтаринки рух ҳосил қилмоғимиз керак.

Тошкент вилояти электралоқа Давлат қорхонаси
Бўка туман электралоқа тармоғи бошлиғи
СОЛИХОН ФАЙЗИЕВИЧ НОРХЎЖАЕВнинг
 вафот этганлиги муносабати билан оила-аъзолари,
 ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, таъзия
 изҳор этади.

• Ажаб дунё

Янги тил кашф қилди

Венериялик тилшунос Золтан Мадьяр “романид” деб аталувчи янги халқаро тил кашф этди. Бу тил сўз ва сўз бирикмаларидан ташкил топган бўлиб, тил соҳасида махсус кўнишмага эга бўлганлар учун ҳам ўрганишга қўлайдир. Янги

тилга испан, итальян, португал ва француз тиллари асос бўлган. Бу тилнинг хратилишига йиғирма йил сарфланган бўлиб, кундан кунга оммаланиб бормоқда, чунки у жуда ҳам содда ва қўлайдир. Янгиликнинг жорий этилишига Бу-

дапештдаги туристик фирма кўймақлашмоқда. Фирманing очик эътироф этишича, венер тилини ўрганиш катта муаммо, романид тилини эса истаган одам бир ҳафтада ўрганиб олиши мумкин.

Бўладиган бола...бошиданми?

Маълумки, кўпгина ёзувчи, шoir, композиторларнинг гаройиб қобилиятлари жуда эрта кўзга ташланади. Аммо ҳаммиш ҳам шундай бўлавермас экан. Эрнест Хемингуэйнинг Чикагода нашр этилган биринчи мақола, репортаж, баллада ва ҳақоялар тўплами шундан дало-

лат беради. Хемингуэй ижодининг тадқиқотчиси Майк Рейнолдснинг эътирофича, ёзувчининг илк машқлари у қадар диққатга сазовор эмас эди. Ёш Хемингуэй илк машқларида бир қолипдаги газета услубидан, сийқа воситалардан фойдаланган. Бунинг устига спорт мавзу-

идаги қатор репортажларида ўзини роса мақтаган. Юқоридаги тўпламда бўлажак Нобель мукофоти совриндорининг исму шарифи ҳам турлича эди: Эрнест Хемингуэй, Эрнест Миллер Хемингуэй, Эрнест Макнамара Хемингуэй ва ҳатто Эрнест Михайлович Хемингуэй...

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги
 Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
 ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР
 Анатолий КУДИНОВ
 Мирпўлат МИРЗО

Рустам СОБИТ (Бош муҳаррир ўринбосари)
 Тоҳир РАҲИМОВ
 Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
 Бобохон ШАРИФ
 ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
 Бўриной АҲМЕДОВ
 Билол АМИНОВ

Саидмахмуд АКБАРОВ
 Шохрух АКБАРОВ
 Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
 Жамол КАМОЛ
 Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
 Тоғай МУРОД
 Сафар ОСТОНОВ
 Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
 ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
 Мухарририятга келган қўлёзмалар [2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиғи лозим] ва суратлар муаллифларга қайтариламайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулият муаллифлар эътиҳосидадир.
 Рўйхатга олиш №000011. Бўйорлма №Г-0082. 13825 нускада чоп этилади
 Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми I босма табоқ.
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
 Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй. 1 2 3 4 5 6

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА, 27

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Иқсониятлар ишга солинганди".
18.30 "Инсон ва қонун".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Театрда премьера. М. Бафоев, С. Жўра "Севги видоси".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Эълонлар.
20.55 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.00 "Беш мезон".
21.45 "Санъатга баҳида умр". Халқ артисти Лутфиқошиқ Саримсоқова.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. "Муҳаммадул Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 28-қисм (Миср Араб Республикаси).
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзумчук".
19.00 "Хашақлар" видеоканали:
— "Озма-юз".
— "Оқ кутча".
— "Менинг маҳаллам".
21.00 Хор куйларидан концерт.
21.20 "Шоҳсуна сари".
21.50 — 23.05 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Мингдан бир илож". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Тадбиркорлик мактаби".
20.25 "Ешлик" студияси. "Эъзоз".

"ОМАД" таништиради:

21.00 "Совга".
21.30 "4/8". Муסיкий кўрсатуви.
21.45 Жаҳон географияси.
22.35 Эълонлар.
22.40 Видео — "О".
00.25 "Курьер".
00.45 — "яна об-хаво ҳақида".
00.55 "Постфактум".
01.05 — 01.25 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳамманинг тилида".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шадло Роза". Телесериал (Мексика).
20.00 "Сиз кимсиз?".
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 А. И. Солженитин билан учрашув.
22.00 — 23.05 "Олтин шлягер". Полад Булул ўғли.

СЕШАНБА, 28

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Нафосат оламида". Кинодастур.
9.40 Футбол. "Пахтакор-79". Хотира турнири.
10.30 Кўв кўрсатуви. Математика.
11.00 "Талаба ва спорт".
11.20 Ўзбек куйларидан кон-церт.
12.00 Немис тили.
12.20 "Ешлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
12.55 — 14.55 "Биз тиланган йўл". Видеоканал.

ЎЗТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 Асқад Муқтор. "Умир".
18.35 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Жангларда янграган кўшиқлар".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Кино ва замон".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Мен буюк юрт ўғлидурман". Адабий кўрсатуви.
21.45 "Ҳофизлар хониш қилганда".
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. "Муҳаммадул Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 29-қисм.
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".

19.55 "Ҳазинами таянчи".
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
"ОМАД" таништиради:
21.20 — 00.20 "Спорт китъаси".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

ЎЗТВ II

18.30 "Мультикарусель".
18.55 "Хайвонот дунёсининг сирлари".
19.45 Янгиликлар.
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеоғид.

20.55 "Теле-ателье-шоу".
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 "Кинонигоҳ".
23.25 — 23.45 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 "Дурларш" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 "Умид" (уйғур тилида).
21.55 Тошкент Давлат университетининг 75 йиллиги олдидан. "Қалбим кўри". Профессор Ш. Оразимбетов ҳақида телеочерк.
22.25 Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
23.05 — 23.35 "ТВ-портрет". "Са-марқандлик тадбиркор".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Рус олами".
18.30 "СБ" жумбоғи.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ю. Власов.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шадло Роза". Телесериал.
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 22.20 "Тол".

ЧОРШАНБА, 1

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Унутилган уйиқлар". Телефильм.
9.15 "Кулол ва хумча". Бадий фильм.
10.30 Уқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Ешлик" студияси. "Талабалик йиллари".
11.40 "Алифбо сабоқлари".
12.10 "Хуқуқингизни биласизми?".
12.30 Инглиз тили.
13.00 "Фахрийлар — фахримиз".
13.50 — 14.25 "Қитоб ва ҳаёт".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Сихат-саломатлик".
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Нон таъми".
19.40 "Баҳор нашидаси". Муסיкий кўрсатуви.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Зулфия яхдоннасида".
21.40 "Ватанинг семвок иймондандур".
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. "Муҳаммадул Расулуллоҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 30-қисм.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Мультипортрет".
19.00 "Бумеранг".
19.30 "Жоли тил".
20.30 "Муסיкий меҳмонхона".
21.30 — 23.10 "Кинематограф".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ҳазинами таянчи".
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
"ОМАД" таништиради:
21.20 — 00.20 "Спорт китъаси".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. С. Банера.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шадло Роза". Телесериал.
19.55 Э. Радзинский. "Тарих жумбоқлари". "Россиядаги фитнесчилар". 1-қисм.
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.50 Э. Радзинский. "Тарих жумбоқлари". "Россиядаги фитнесчилар". 2-қисм.
22.30 — 22.45 "Инсон ва қонун". Махсус кўрсатуви.

ПАЙШАНБА, 2

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Баҳор мўъжизалари". Бадий фильм.
10.30 "Қофолат".
11.30 "Ешлик" студияси. "Тафаккур".
11.30 Уқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 "Созимда севги вафси". Концерт.
12.30 "Болалар меҳмонхонаси".
13.00 "Сизга таъми".
13.40 — 15.40 "Маърифат" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Алифбо байрами".
18.40 "Хилол" студияси. "Авто плюс".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Нингоҳ".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ташаббус". Кўрик-танлов уювчилари доир.
21.30 "Мумтоз этгади келдик". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматқул Курбонов ижросида классик ашуларлар.
22.15 "Бешичи руки". "Ҳажнома". Хужжатли-бадий фильм премьераси.
23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозоба".
18.55 "Бир шингил хангома".
19.05 "Ишнинг баридан келсин".
19.20 "Муҳаббатга ошно қалбар".
19.40 "Теле-ателье-шоу".
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Кинонигоҳ".
22.45 — 23.05 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ислохот ва муаммо".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
21.15 "Ешлик" студияси. "Онаминг уйиқлари".
21.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.05 — 23.05 "Дурларш" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "16 ешгача ва ундан катталар".
18.30 "Миниатора".
19.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Жон Френч.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шадло Роза". Телесериал.
20.00 "Қишлоқ ҳаёти" Ю. Черныченко билан.
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Мокша. Кремль".
22.00 — 23.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. "Барселона" (Испания) — "Пари Сен-Жермен" (Франция). Испаниядан кўрсатилди.

ЖУМА, 3

БУГУН — ИЙД РАМАЗОН ХАЙИТИ
ЎЗТВ I
7.00—9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Мафтунингман". Бадий фильм.
10.25 Футбол. "Пахтакор-79". Хотира турнири.
11.5 "Ешлик" студияси. "Бир ўлка".
12.05 "Дил тароналари". Концерт.
12.35 "Бола бошидан".
13.15 "Хотира". Турсун Собиров.
13.55—15.55 "Нурли келажак". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Шукрона".
18.45 "Бу ҳаёт — жасоратдир". Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Элим деб, юртим деб ениб яшаш керак".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Маърифатнома".
21.40 "Мақом кечаси".
22.20 "Абдуллажон". Бадий фильм.
23.45—00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Учқун".
19.00 "Утмишсиз келажак йўл".
19.30 "Билб қўйган ахш".
19.55 "Халқ саломатлиги йўлида".
20.40—22.00 "Келин". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ешлик" студияси. "Талбалар сахнасида".
20.45 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:
21.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 "Панорама".
22.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.25 "Даракчи".
22.35 Эълонлар.
22.40 Видео "О".
00.20—00.40 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шадло Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Хафтаннинг машҳур кишиси".
22.00—23.05 "Детективлар клуби" да. "Машҳур детективлар". Бадий фильм. 2-фильм — "Уғрилган хат".

ШАНБА, 4

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Мен бир қизни учратдим". Бадий фильм.
10.30 "Футбол майдонларида".
10.50 Чустий. "Идиамаслар диери".
11.15 "Оламини асранг!".
11.45 Болалар учун. "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб".
12.25 "Ешлик баҳори".
13.35 "Кўз".
13.35 — 14.05 Муқтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангиллар ансамблининг концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильм.
18.10 "Усмилар учун. "Умид ўчқунлари".
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Санъат олами".
20.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Эъзоддаги кўшиқлар".
21.50 "Ешлик" студияси. "Умид".
22.50 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.00 "Тунги егду". Дам олиш кинодастури.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультикарусель".
9.25 "Хайвонот дунёсининг сирлари".
10.15 Янгиликлар.
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеоғид.
11.25 "Теле-ателье-шоу".
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 "Кинонигоҳ".
13.55 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").
14.15 — 18.30 "Спорт китъаси".

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Антенна".
19.40 "Пульс". Хабарлар.
19.55 "Сойишта бўлсин хонадонингиз".
20.55 "Хар соҳадан бир шингил".
21.15 "Гладиаторлар". Спорт-шоу дастури.
21.55 — 23.35 "Кинематограф".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Эсдалик учун дастхат". Б.Тоҳтаунов.
10.50 "Айчурек" (киргиз тилида).
11.05 "Истиқлол ва мафкура".
20.25 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.35 "Муסיкий саҳнат".
13.05 — 13.45 "Дўстларимиз планетаси".
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Истиқлол ва мафкура".
20.25 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.05 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.30 Шарқ кўшиқлари.
22.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.15 "Замандаш" (қозок тилида).
23.05 "Бу ажиб дунё".
23.25 — 23.40 "Си-Эн-Эн" янгилик-

лари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 "Бахтли тасодиф".
18.45 "Ўлкан сайера".
19.40 "Бешичи бурчак". Телесериал. 4-серия ("Қолабми пикчерс").
20.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.45 "Қани ва Апель". Телесериал. 4-серия ("Қолабми пикчерс").
22.35 — 23.15 "Оба-На".

ЯҚШАНБА, 5

ЎЗТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Д.Д.Д. ва бошқалар". Спорт тележурнали.
10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Бохур" клуби.
11.00 "Халқ ижоднети". Онлайв ансамбллар телевизион фестивали.
11.30 "Темир эркак". Бадий фильм.
12.45 "Цирк! Цирк! Цирк!".
13.35 — 15.05 Абдулла Орипов. "Жаннатта йўл". Телеспектакль.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильм.
18.10 "Қушигим, жон қушигим".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Хафтаннома" (рус тилида).
22.00—23.05 "Детективлар клуби" да. "Машҳур детективлар". Бадий фильм. 2-фильм — "Уғрилган хат".
19.55 "Саодати сайералар". Кинокўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Сайераларнома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Офарин-94". Замонавий ўзбек эстрада санъати танлови голдбарнинг концерти.
22.05 "Бобба". Бадий фильм (Хиндустон). 1—2 сериялар.
00.45 — 01.15 "Хафтаннома".

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Жозоба".
10.25 "Бир шингил хангома".
10.35 "Ишнинг баридан келсин".
10.50 "Муҳаббатга ошно қалбар".
11.10 "Теле-ателье-шоу".
11.20 Видео янгиликлари.
11.50 Янгиликлар.
11.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 "Кинонигоҳ".
14.15 — 14.35 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Муסיкий кўрсатуви.
17.45 Жаҳон географияси.
18.35 Эълонлар.
18.40 Видео — "О".
20.20 Эълонлар.
20.25 "Курьер".
20.45 — "яна об-хаво ҳақида".
20.55 "Постфактум".
21.05 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").
21.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
21.35 "Панорама".
22.05 "Компьютер-Осие".
22.35 Эълонлар.
22.40 "Кимга қанақа?".
23.20 "Даракчи".
23.30 Эълонлар.
23.35 — 01.15 Видео — "О".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультифильмлар.
9.40 "Жонли сайера".
10.00 "Коллекция".
10.20 "Менинг кучам".
10.35 "Олтин атгўрўл" гори. Кўп сериали телевизион бадий фильм (Италия). 6-серия (рус тилида).
11.25 "Маски-шоу".
11.40 "Кинематограф".
13.20 — 13.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Ешлик" студияси. "Ешлик оқшони".
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
20.25 "Дурларш" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.05 "Мюзик-холл".
22.45 "Бу ажиб дунё".
23.05 - 23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржим